



ЧЕГАРА ХУДУДЛАРИ АҲОЛИ ЯШАШ ПУНКТЛАРИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Рахмонқулов Бахромжон Полвонжонович
ИИВ Академияси Магистратура тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20354570>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 19-may 2026 yil
Ma'qullandi: 21-may 2026 yil
Nashr qilindi: 23-may 2026 yil

KEYWORDS

оммавий тартибсизликлар,
фаол иштирокчи,
ташкilotчи, гуруҳли
жиноят, иштирокчилик,
оломон психологияси, чегара
худудлари, криминалогик
тавсиф, профилактика,
жамоат хавфсизлиги.

ABSTRACT

Мазкур мақолада оммавий тартибсизликларда фаол иштирок этувчи шахсларнинг криминалогик тавсифи, уларнинг жиноят-хуқуқий мақоми, гуруҳий жиноятчиликдаги роли, оломон психологияси таъсирида хулқ-атворининг ўзгариши ҳамда чегара худудларида мазкур тоифадаги шахсларнинг шаклланишига таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар таҳлил қилинган. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг иштирокчилик, гуруҳли жиноят ва оммавий тартибсизликларга оид нормалари асосида фаол иштирокчилар, ташкilotчилар, далолатчилар ва кўмаклашувчиларнинг криминалогик хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, Россия, Қозоғистон ва Европа мамлакатлари тажрибаси асосида оммавий тартибсизликларнинг олдини олишда эрта огоҳлантириш, ижтимоий мониторинг, жамоатчилик билан мулоқот ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича илмий таклифлар илгари сурилган.

Оммавий тартибсизликлар жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган энг хавфли жиноий ҳодисалардан бири бўлиб, уларнинг ижтимоий хавфлилиги нафақат муайян шахслар ёки мол-мулкка етказиладиган зарарда, балки жамиятдаги барқарорлик, давлат бошқаруви, хуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигига бевосита таҳдид солишида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик 244-моддада белгиланган бўлиб, ушбу моддада зўравонлик, вайрон қилиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш каби ҳаракатлар оммавий тартибсизликлар таркибининг муҳим белгилари сифатида ифодаланган. 2025 йил 27 мартдаги ЎРҚ-1051-сон Қонун билан мазкур модда янада такомиллаштирилиб, оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида ўқувдан ўтиш ҳамда бундай фаолиятни молиялаштириш учун жавобгарлик белгиланди, бу эса уюшганлик ва олдиндан тайёргарлик омилининг

жиноят-хуқуқий баҳосини кучайтиришга хизмат қилади.

Оммавий тартибсизликлар аксарият ҳолларда гуруҳли жиноятнинг муайян кўриниши сифатида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 33-моддасига мувофиқ, жиноятда ижрочи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва кўмаклашувчи ҳам иштирокчи ҳисобланади. Шунингдек, Жиноят кодексининг 34-моддасида жиноятни гуруҳ томонидан содир этиш шакллари белгиланган бўлиб, бу оммавий тартибсизликларда иштирок этувчи шахсларнинг хуқуқий мақомини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Оммавий тартибсизликларнинг криминологик таҳлили шуни кўрсатадики, бундай ҳаракатларда иштирокчилар бир хил даражада хавfli бўлмайди: айрим шахслар воқеаларга тасодифан кўшилиши мумкин, бошқалар эса оммани йўналтирувчи, ташкилий ва руҳий таъсир кўрсатувчи субъект сифатида ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан, ташкилотчилар оммавий тартибсизликларда энг юқори ижтимоий хавф туғдирувчи шахслар ҳисобланади, чунки улар норозилик кайфиятини кучайтириш, провокацион хабарлар тарқатиш, сохта ёки бузиб талқин қилинган маълумотлар орқали оломонни йўналтириш, лозунг ва чақириқлар тайёрлаш, фаол гуруҳларни бирлаштириш ҳамда ҳаракатлар кетма-кетлигини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Криминологик нуқтаи назардан оммавий тартибсизликларнинг фаол иштирокчилари шахсида бир қатор умумий хусусиятлар кузатилади. Улар орасида ижтимоий норозиликка мойиллик, хуқуқий маданиятнинг пастлиги, давлат ва жамият институтларига ишончсизлик, радикал чақириқларга тез таъсирланиш, гуруҳ таъсирида мустақил танқидий фикрлаш қобилиятининг пасайиши, ўз ҳаракатларининг хуқуқий оқибатларини етарлича баҳолай олмаслик каби белгилар алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, ёшлар қатлами бундай ҳолатларда психологик ва ахборот таъсирига нисбатан сезувчан бўлиб, уларнинг ишсизлик, ижтимоий ҳимоясизлик, миграция, таълим ва бандликдаги муаммолар билан тўқнаш келиши криминоген хавфни кучайтиради. Шу билан бирга, оммавий тартибсизликларда иштирок этувчи шахсларнинг барчасини олдиндан жинойий мақсадга эга деб баҳолаш илмий жиҳатдан тўғри эмас. Чунки оммавий ҳаракатлар жараёнида айрим шахслар вазиятнинг руҳий босими, оломон таъсири ёки нотўғри ахборот оқими натижасида жинойий ҳаракатларга жалб этилиши мумкин.

Оломон психологияси оммавий тартибсизликларда фаол иштирокчилар хулқ-атворини тушунишда муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади. Гуруҳ ичида шахснинг одатдаги индивидуал назорати сусаяди, масъулият ҳисси пасаяди, ҳиссий таъсирчанлик ортади ва жамоавий ҳаракатга кўшилиш эҳтимоли кучаяди. Шу боис оммавий тартибсизликларда айрим шахслар якка ҳолатда содир этмаслиги мумкин бўлган ҳаракатларни гуруҳ таъсирида амалга ошириши мумкин. Р.Р. Галиакбаров гуруҳли жиноятларни квалификация қилиш масалаларида гуруҳ аъзолари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва умумий жинойий натижага қаратилган ҳаракатларни аниқлаш зарурлигини таъкидлайди. Б.Д. Парыгиннинг ижтимоий психологияга оид қарашларида эса гуруҳ муҳити шахснинг мотивацияси, қарор қабул қилиши ва вазиятни баҳолашига таъсир кўрсатиши асосланади. К.Е. Игошевнинг криминологик ёндашувида гуруҳий жиноятларда вазиятни баҳолаш ва оқибатларни англаш даражаси индивидуал жиноятларга нисбатан фарқ қилиши кўрсатилади. Шу сабабли оммавий

тартибсизликларнинг фаол иштирокчиларини баҳолашда фақат ташқи ҳаракатни эмас, балки шахснинг роли, мақсади, олдиндан тайёргарлик даражаси, бошқаларга таъсири ва воқеалар ривожига қўшган ҳиссасини ҳам инобатга олиш лозим.

Чегара ҳудудлари аҳоли яшаш пунктларида оммавий тартибсизликлар фаол иштирокчиларининг криминологик тавсифи янада мураккаб хусусият касб этади. Бундай ҳудудларда миграция жараёнлари, чегараолди савдо муносабатлари, ресурслардан фойдаланишдаги зиддиятлар, ишсизлик, турли миллат ва маданият вакилларининг зич яшаши, ахборот оқимларининг трансчегаравий таъсири, айрим ҳолларда ноқонуний миграция, контрабанда ва экстремистик ғояларнинг кириб келиш хавфи мавжуд бўлади. Шунинг учун чегара ҳудудларида фаол иштирокчиларни шакллантирувчи омиллар нафақат ички ижтимоий муаммолар, балки ташқи таъсирлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда ташкилотчилар оддий норозиликни сиёсий, диний ёки миллатлараро тусга буришга, ёшларни “адолатни тиклаш”, “ҳуқуқни ҳимоя қилиш” ёки “жамоавий қаршилиқ” каби шиорлар орқали жалб этишга ҳаракат қилади. Шу боис чегара ҳудудларида профилактика ишлари оддий ҳуқуқий тарғибот билан чекланмасдан, ижтимоий барқарорлик, аҳоли билан доимий мулоқот, ишонч муҳитини шакллантириш ва эрта огоҳлантириш тизимларини ўз ичига олиши лозим.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, оммавий тартибсизликларнинг олдини олишда куч ишлатиш чораларидан кўра, барвақт аниқлаш, мулоқот, хавфларни баҳолаш ва жамоатчилик билан ҳамкорлик самаралироқ натижа беради. Қозоғистонда 2022 йил январь воқеалари ижтимоий-иқтисодий норозилик тезда оммавий тартибсизликларга айланиши мумкинлигини кўрсатди. Европа мамлакатлари, хусусан Франция ва Буюк Британия тажрибасида оммавий норозиликларни бошқаришда полициянинг мулоқот гуруҳлари, хавф даражасини баҳолаш, видеомониторинг, ижтимоий тармоқлардаги чақириқларни таҳлил қилиш ва маҳаллий ҳамжамиятлар билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. БМТнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан куч ва махсус воситалардан фойдаланишга оид халқаро ёндашувларида куч ишлатиш зарурат, мутаносиблик, қонунийлик ва ҳисобдорлик принципларига асосланиши кераклиги таъкидланади. БМТнинг камроқ ўлимга олиб келувчи воситалар бўйича қўлланмасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кучни босқичма-босқич ва фарқланган тарзда қўллаши, ўқотар қуролдан фойдаланиш эса мутлақ зарурат ҳолатлари билан чекланиши лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон шароитида оммавий тартибсизликларнинг фаол иштирокчиларини криминологик жиҳатдан ўрганишда маҳалла институти, профилактика инспекторлари, ёшлар етакчилари, диний уламолар, оқсоқоллар, таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларидан комплекс фойдаланиш зарур. Жамоат хавфсизлиги фақат ички ишлар органларининг вазифаси сифатида эмас, балки давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, маҳалла ва аҳолининг ўзаро ҳамкорлиги натижасида таъминланадиган ижтимоий-ҳуқуқий жараён сифатида қаралиши лозим. Шу мақсадда чегара ҳудудларида оммавий тартибсизликлар хавфини баҳоловчи “ижтимоий барқарорлик индекси”ни ишлаб чиқиш, унда ишсизлик, миграция, ёшлар бандлиги, миллатлараро муносабатлар, ижтимоий тармоқлардаги чақириқлар, маҳалла кесимидаги низолар ва жиноятчилик ҳолати каби мезонларни қамраб олиш мақсадга

мувофиқ. Шунингдек, оммавий тартибсизликларда фаол иштирок этиш хавфи юқори бўлган шахсларни аниқлашда фақат жазоловчи ёндашув эмас, балки қайта ижтимоийлаштириш, ҳуқуқий тушунтириш, психологик профилактика ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш лозим.

Илмий таклиф сифатида, биринчидан, Жиноят кодексининг 244-моддасини қўллаш амалиётида “фаол иштирокчи”, “ташкilotчи”, “далолатчи”, “молиялаштирувчи” ва “тайёргарликдан ўтган шахс” тушунчаларини фарқлаш бўйича суд-тергов амалиёти учун махсус методик тавсиялар ишлаб чиқиш зарур. Иккинчидан, чегара ҳудудларида жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ижтимоий омиллари мониторинг қилиш учун ички ишлар органлари, маҳалла, бандлик органлари, ёшлар ишлари ва таълим муассасалари ўртасида интеграциялашган ахборот алмашинув тизимини шакллантириш лозим. Учинчидан, ижтимоий тармоқларда оммавий тартибсизликларга чорловчи деструктив контентни барвақт аниқлашда сунъий интеллект элементларига асосланган таҳлил воситаларини жорий этиш, бироқ бунда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, шахсий маълумотлар дахлсизлиги ва қонунийлик принципларига қатъий риоя этиш талаб қилинади. Тўртинчидан, фаол иштирокчиларнинг криминологик портретини тузишда ёш, жинс, бандлик, таълим, миграция ҳолати, аввалги ҳуқуқбузарликлар, ахборот таъсирига мойиллик ва ижтимоий муҳит каби кўрсаткичлар асосида илмий тадқиқотлар ўтказилиши лозим. Бешинчидан, оммавий тартибсизликларнинг олдини олишда куч ишлатишга асосланган реактив моделдан кўра, аҳоли билан мулоқот, ишончни тиклаш, зиддиятларни медиация қилиш ва маҳаллий етакчиларни жалб этишга асосланган превентив модел устувор бўлиши керак.

Умумий хулоса қилиб айтганда, оммавий тартибсизликларнинг фаол иштирокчилари криминологик жиҳатдан бир хил тоифадаги шахслар эмас. Улар орасида ташкilotчилар, далолатчилар, кўмаклашувчилар, оломон таъсирида вазиятга қўшилиб қолган шахслар ва деструктив гуруҳлар таъсирига тушган ёшлар мавжуд бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир шахснинг ҳаракати унинг воқеадаги роли, қасди, тайёргарлик даражаси, бошқаларга таъсири ва жинсий оқибатларга қўшган ҳиссаси асосида индивидуал баҳоланиши лозим. Чегара ҳудудларида эса оммавий тартибсизликлар хавфи ижтимоий-иқтисодий муаммолар, миграция, ресурс зиддиятлари, миллатлараро муносабатлар ва ташқи ахборот таъсирлари билан янада кучаяди. Шунинг учун профилактика чоралари комплекс, манзилли ва илмий асосланган бўлиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти эса жамоатчилик билан ҳамкорлик, қонунийлик, инсон ҳуқуқларига ҳурмат ва эрта огоҳлантириш принципларига таяниши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар ва электрон манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: 1994 йил 22 сентябрь, № 2012-ХП // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги Қонуни: 2025 йил 27 март, ЎРҚ-1051-сон // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: 1994 йил 22 сентябрь // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (янги таҳрир). — Тошкент, 2023.
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. — Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. — 464 б.
6. Ғалиакбаров Р.Р. Квалификация групповых преступлений. — Москва: Юридическая литература, 1980. — 120 с.
7. Антонян Ю.М. Криминология. Избранные лекции. — Москва: Логос, 2004. — 448 с.
8. Карпец И.И. Преступность: иллюзии и реальность. — Москва: Юридическая литература, 1992. — 432 с.
9. Парыгин Б.Д. Социальная психология. — Санкт-Петербург: СПбГУП, 2003. — 616 с.
10. Сахаров А.Б. Учение о личности преступника // Советское государство и право. — 1968. — № 9. — С. 78–85.
11. Игошев К.Е. Типология личности преступника и мотивация преступного поведения. — Горький: Горьковская высшая школа МВД СССР, 1974.
12. United Nations Human Rights Guidance on Less-Lethal Weapons in Law Enforcement. — United Nations Human Rights Office, 2020.
13. International Committee of the Red Cross. The Use of Force in Law Enforcement Operations. — Geneva, 2020.

INNOVATIVE
ACADEMY